

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЁРОВ ШУҲРАТЖОН СУВОНҚУЛОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Бобоёров Шухратжон Сувонкулович**

Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш  
компетентлигини такомиллаштириш..... 3

**Бобоёров Шухратжон Сувонкулович**

Совершенствование компетенции саморазвития педагогов в системе  
повышения квалификации..... 22

**Boboyorov Shuhratjon Suvonqulovich**

Improving the self-development competence of teachers in the system of  
professional development..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЁРОВ ШУҲРАТЖОН СУВОНҚУЛОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1604 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халиков Аъзам Абдусатомович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 куни соат 8<sup>00</sup> даги межлисида бўлиб ўтди. (Манзил 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация ҳимояси билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1482 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 09 куни тарқатилди.  
(2021 йил «13» 09 да 25 -рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотиби, п.ф.н. доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги такомиллашувининг креатив модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида ўқитувчиларни касбий тайёрлашни такомиллаштириш, ижодий тафаккур, креативлик ва касбий малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш, мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимининг ўқув-методик таъминотини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириш тизими тингловчиларининг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнига синхронли моделларни жорий этиш, ўқитишнинг психологик, андрагогик хоссаларини такомиллаштириш, масофавий таълимда ўқув-билиш фаолиятини бошқариш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Касбий компетентликни такомиллаштириш моделларининг самарадорлигини инновацион методикалар ҳамда электрон таълим ресурслари асосида ошириш, малака ошириш тизими тингловчиларининг касбий компетентлигини ривожлантирувчи таълим жараёнини ташкил этиш, ўқитувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида тингловчиларни касбий-педагогик ривожлантириш, ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техник базасини кенгайтиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup>, таълим тизими соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган технологияларни такомиллаштириш ва малака ошириш жараёнида қўллаш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сонли “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сонли “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Малака ошириш тизими тингловчиларини касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш бўйича А.Д.Аскарлов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, А.Е.Ибраймов, З.К.Исмаилова, У.И.Иноятлов, Н.А.Муслимов, Б.А.Назарова, Б.С.Нуридинов, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, А.А.Халиков, Д.О.Химматалиев, Ж.А.Ҳамидов, Т.Т.Шоймардоновлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

О.А.Абдулина, Л.Г.Аферина, В.П.Беспалько, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, В.А.Кан-Калик, З.А.Каргина, Н.В.Кузьмина, Г.В.Калькова, А.С.Маркова, А.М.Некрасов, А.И.Носков, В.А.Сластенинлар бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда педагогик технологияларни қўллаш, касбий-педагогик тайёрлаш самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

A.Blum, K.Ghosh, K.Grey, R.Mohanлар таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишлари бўйича тадқиқот олиб боришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ИТД-5-42 рақамли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

малака ошириш жараёнида ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил қилиш;

малака ошириш жараёнида ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

тингловчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини лойиҳалаштириш босқичларини такомиллаштириш;

ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини мотивацион, операционал ва рефлексив компонентларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малака оширишда ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Қашқадарё вилояти ХТХҚТМОҲМ, Навоий вилояти ХТХҚТМОҲМ, Жиззах вилояти ХТХҚТМОҲМ тингловчиларидан жами 324 нафар ўқитувчилар иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий (ўқув методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, қиёслаш-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровнома, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (таълимни баҳолаш, эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш, моделлаштириш) методлар мажмуи, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантиришнинг мотивацион, ташкилий-фаолиятли ҳамда муаммоли топшириқларни еча олиш, ўзаро ёрдам, ўзини ўзи баҳолаш, танқидий ёндашув, мустақил қарор қабул қилиш каби педагогик имкониятлари ўқитувчиларнинг касбий-фаолиятини илғор тажрибаларга мос равишда лойиҳалаштириш кўникмаларининг рефлексив тайёрлик даражасини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги когнитив характердаги мақсадга интилиш, фаоллик, асосли мотивацияга эгалик, ўз фаолиятини режалаштириш, мустақиллик, қарор қабул қилишда тезкорлик ва улар учун масъуллик, ўз ҳаракатларига баҳо беришда танқидий ёндашув, мажбурият ҳисси каби дидактик жараёнларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ўқув вазиятлари турларини тизимлаштириш ва классификациялаш орқали такомиллаштирилган;

ўзини ўзи ривожлантириш таълим модели таълим олувчиларнинг мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолиятли, натижавий-рефлексив, ташкилий-методик компетенцияларини шахсга йўналтирилган таълимга устуворлик бериш орқали касбий компетенция ва замонавий таълим тамойилларининг концептуал педагогик шарт-шароитлари ҳамда умумпедагогик талаблар билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида уларнинг касбий малакаларини даражасини аниқлашнинг диагностик матрицаси шахсий компетенцияларини ривожлантиришга педагогик таъсир кўрсатувчи воситалар ҳамда ижодий фаолият жараёнини оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш ва бошқариш малакалари билан боғлиқ малака ошириш таълимий дастурларининг вариатив қисми, шунингдек, педагоглар малакасини оширишнинг таҳлили ва экспертизаси жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган мазкур малакаларнинг шаклланганлик даражаси диагностик матрицаси ишлаб чиқилган;

малака ошириш жараёнида педагогика қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун “Педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати” номли ўқув қўлланмаси педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш ва бошқариш малакаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

педагогика қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун ахборотларни таҳлилий-синтетик қайта ишлаш, имитацияларини яратиш, ўқув материалларини интерпретация қилиш асосида “Ўқитувчининг педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган жараён модели” ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш жараёнининг методик асослари, касбий компетентлик, ўзини ўзи ривожлантириш, педагогик маҳоратини ривожлантиришдаги муайян илмий қарашлар ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти малака ошириш даври учун мўлжалланган машғулотларнинг ишлаб чиқилганлиги, ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг механизмларидан давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантиришнинг мотивацион, ташкилий-фаолиятли ҳамда муаммоли топшириқларни еча олиш, ўзаро ёрдам, ўзини ўзи баҳолаш, танқидий ёндашув,



мустақил қарор қабул қилиш каби педагогик имкониятлари ўқитувчиларнинг касбий-фаолиятини илғор тажрибаларга мос равишда лойиҳалаштириш кўникмаларининг рефлексив тайёрлик даражасини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар А-1-23 рақамли “Ўқитувчилар учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 89-03-4891-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш жараёни самарадорлигининг ошишига эришилган;

ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги когнитив характердаги мақсадга интилиш, фаоллик, асосли мотивацияга эғалик, ўз фаолиятини режалаштириш, мустақиллик, қарор қабул қилишда тезкорлик ва улар учун масъуллик, ўз ҳаракатларига баҳо беришда танқидий ёндашув, мажбурият ҳисси каби дидактик жараёнларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ўқув вазиятлари турларини тизимлаштириш ва классификациялаш орқали такомиллаштиришга оид таклифлар “Педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати” ўқув қўлланмаси (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 сентябрдаги 522-сон буйруғи билан берилган 359-130-рақамли гувоҳнома) мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 89-03-4891-сон маълумотномаси). Натижада, тингловчиларнинг касбий компетентлиги ўзини ўзи ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

ўзини ўзи ривожлантириш таълим модели таълим оловчиларнинг мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолиятли, натижавий-рефлексив, ташкилий-методик компетенцияларини шахсга йўналтирилган таълимга устуворлик бериш орқали касбий компетенция ва замонавий таълим тамойилларининг концептуал педагогик шарт-шароитлари ҳамда умумпедагогик талаблар билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-5-42 рақамли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 89-03-4891-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик фаолиятда ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш даврида ўқитиш самарадорлигини, ўқувчиларнинг ўқув фанларига бўлган қизиқишларини ва ўқув фаоллигининг ошишига эришилган;

ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида уларнинг касбий малакаларини ривожлантириш даражасини аниқлашнинг диагностик матрицаси шахсий компетенцияларини ривожлантиришга педагогик таъсир кўрсатувчи воситалар ҳамда ижодий фаолият жараёнини оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-23 рақамли “Ўқитувчилар учун

математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 89-03-4891-сон маълумотномаси). Натижада, ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини мотивацион, операционал ва рефлексив компонентларини такомиллаштириш имкони оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та республика ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та (3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар берилган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқитувчилар фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган турли тадқиқот ишларининг назарий таҳлили келтирилган ва тадқиқотимиз учун муҳим бўлган мазкур тушунча мазмун-моҳиятини очиқ беришга ёрдам берувчи қоидалар аниқлаб олинган. Улар асосида, тадқиқотимиз учун муҳим бўлган ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш жараёни ва таркибий қисмлари кўриб чиқилди.

Педагогик маҳоратнинг барча таркибий қисмларини шакллантириш ва ривожлантириш, касбий компетентлик даражасига эришиш ўқитувчи шахсининг ўзини ўзи ривожлантириш жараёнида амалга оширилади.

Ўзини ўзи ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари: аксиологик йўналишлар, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, мотивацион ва иродавий компонентлар,

мақсадни белгилашдан иборат. Улар ўзини ўзи ривожлантириш йўналиши ва динамикасини белгилайди, ўқитувчиларни ўзини ўзгартириш ва такомиллаштириш учун мустақил фаолиятини ташкил этишга имкон беради.

Адабиётларнинг илмий таҳлили “ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги”, “тартиблилик” каби тушунчалар асосидан келиб чиққан “касбий фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш малакалари” тушунчаси мазмун-моҳиятини аниқлаб олишга имкон берди.

Диссертацияда ўзини ўзи ривожлантириш мазмуни, малака ошириш ва қайта тайёрлаш орқали билиш фаолиятини кондиришда, ўқитувчининг ўзини ўзи англашга бўлган эҳтиёжини ўсиб боришида, малака оширишга оид педагогик тадқиқотларда ўзини ўзи ривожлантириш касбий ривожланишнинг фаол шаклларида бири сифатида эътироф этилган. Ўзини ўзи ривожлантириш жараёни бошқа таълим жараёнларига нисбатан самарали ҳисобланади, чунки ўз билимлари, кашфиётлари, хатолари орқали мустақил равишда олинган билим ва тажрибаларни ривожлантириш жараёнида шахс ҳар томонлама такомиллашиб боради.

Тадқиқотлар кўрсатадики, мамлакатимиз педагог олимлари А.Р.Арипджанова, А.Д.Асқаров, Н.К.Ахмедова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джураев, Р.Г.Исянов, У.И.Иноятлов, З.К.Исмаилова, А.Е.Ибраймов, Н.А.Муслимов, Б.А.Назарова, Б.С.Нуриддинов, Қ.Т.Олимов, Ш.Пўлатов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, Т.С.Турғунов, Ж.А.Ҳамидов, А.А.Халиков, Д.О.Химматалиев, Т.Т.Шоймардоновларнинг илмий ишларида ҳам олий таълим муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида, таълимни интенсивлаштиришда, таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, адабиётларнинг илмий таҳлили, “креативлик”, “ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги”, “педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш”, “тартиблилик” каби тушунчалар асосидан келиб чиққан “касбий фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш малакалари” тушунчаси мазмун-моҳияти аниқланиб, назарий ғояларнинг бирлиги ва бошқа муаммоларнинг илмий-назарий асослари ўз аксини топган. Жамият ва ишлаб чиқаришда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш муаммосига илмий жиҳатдан катта эътибор талаб этилганлиги муносабати билан педагогик-психологик адабиётлардаги касбий фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш назарияси ва амалиёти масалаларига асосландик.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш тушунчасининг фаолият сифатидаги мазмун-моҳиятини очиқ беришнинг дастлабки уринишлари Н.И.Мурачковский, К.М.Варшавский тадқиқотларида амалга оширилган бўлиб, иш фаолиятини тартибга солиш тизимини таъминлайдиган ишчи-ходимнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган кўникмалар тизими ёки чоралар мажмуи сифатида тушунилади.

Ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш жараёни – узлуксиз, онгли, мақсадли равишда ижодий, шахсий ва касбий компетенцияларни такомиллаштириш ҳамда муҳим касбий фазилатларни ривожлантириш

шунингдек, педагогик маҳорат, тажриба, касбий билим ва кўникмаларининг касбий даражасини оширишга қаратилган.

Малака ошириш жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш ўз ишини тартибга солиш, унинг маълум вазифаларини бажаришга бўйсундириш, ҳар қандай фаолиятни юқори даражада ютуқларга эришишни кафолатлайдиган маълум тартибга солиш малакаси сифатида белгиланади. Мустақил ташкил этиладиган фаолият турига мувофиқ, ўқув, илмий-тадқиқот, ишлаб-чиқариш ва бошқа ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш турларини фарқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Диссертацияда ўрганилган тадқиқот ишлари натижалари ва таҳлиллари асосида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий элементлари ишлаб чиқилган ва қуйидагича асосланган: мақсадлар, жараёнлар, услуб, фаолият натижалари ҳамда ўзини назорат қилиш; идеал ва реал тузилма остида ўз “мен”ини баҳолаш.

Диссертацияда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги тушунчаси фаолиятнинг алоҳида позициясида ёки шахсий ёндашув асосида кўриб чиқиш ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги феноменини яхлит кўришга имкон бермайди, шу сабабли, тадқиқотимизда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги тушунчасини шахсий қобилиятларнинг интегратив хусусияти сифатида кўришга алоҳида эътибор берилган.

Ўрганилган тадқиқот натижалари ва таҳлилий ёндашувлар асосида педагог ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини ўқитувчининг методик фаолиятига тайёрлиги даражаси таърифи тақдим этилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Методик фаолиятда педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги рефлексив даражаси**

Методик фаолиятга тайёрлик даражаси	Рефлексив-методологик компонентнинг тайёрлик характеристикаси
Изланиш-адаптив даражаси	Педагогик вазифаларни ҳал этишда самаралилиги нуқтаи-назаридан шахсий методик фаолият таҳлили
Қисман-моделлашувчи даражаси	Методик фаолиятнинг назарий-фаолиятлилик мезонлари асосида мустақил таҳлили
Тизимли-моделлашувчи даражаси	Методик фаолиятни тафаккурни бошқариш мезонларидан фойдаланиб, мустақил таҳлил қилиш

Рефлексия ўз шахсий ҳаракатлари ва уларнинг қонунларига йўналтирилган, ўзини билиш фаолияти, инсон маънавий оламини очиб берувчи, ижтимоий-ривожланган инсоннинг назарий фаолият шакли сифатида белгиланади. Рефлексиянинг мазмуни предметли-ҳиссий фаолият билан белгиланади, охир-оқибат рефлексия амалиётни англаш демакдир. Тадқиқот ишимизда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги структурасига асосий қобилият сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияда компетентлик ўз касбий-профессионал-педагогик функцияси социумда қабул қилинган меъёрлар ва стандартларга мувофиқ

базаришга тайёрлик ёки қобилиятга эга интеграл касбий-профессионал-шахсий характеристика сифатида тақдим этилган.

Ўқитувчининг касбий ўзини ўзи ривожланиши кўп жиҳатдан унинг ўз фаолиятида муайян юксакликка эришиш ва ўзини шахс сифатида шакллантириш истаги ва хоҳишига боғлиқ. Ўқитувчининг касбий ўзини ўзи ривожлантириш ижтимоий талаблар ва шахсий ривожлантириш дастурига мувофиқ педагогик сифатларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган онгли жараён ҳисобланади.

Психология нуқтаи-назаридан инсон ўз касбини муваффақиятли эгалламай туриб, баркамол ривожлана олмайди. Ўқитувчи инсонлар билан ишлайди ва унинг ўз шахсияти асосий иш воситаси ҳисобланади. Замонавий жамият ўқитувчилар олдига ўзини ўзи ривожлантиришнинг янги йўллари ва шаклларидан фойдаланиш вазифасини юклаган. Шу мақсадда, ўз касбининг устаси бўлиши учун ўқитувчи шахсий ўсишга интилиши керак. Чунки ўқитувчининг ўзини ўзи касбий ривожлантириш шахсий тараққиёт йўлидаги ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Ўзини ўзи ривожлантиришнинг асосий тамойиллари – узлуксизлик, мақсадга мувофиқлик, интегративлийлик, умумий ва касбий маданиятнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлик, соддалик, ўзгарувчанлик ва бошқалар.

Касбий-профессионал компетентлик педагогнинг ўз касбий-профессионал фаолиятини эгаллаганлик даражасининг сифатли характеристикаси сифатида қуйидагиларга асосланади.

Касбий-профессионал компетентлик сифатларини ривожлантириш тизими:

касбий-профессионал компетентлик; ўзини тарбиялаш, ўзини такомиллаштириш;

мазкур фаолият учун ўз мақсадларини англаш;

ўзининг касбий-мутахассислик соҳасида шаклланиши;

ўз шахсий хусусият ва хислатларини баҳолаш.

Диссертациянинг малака ошириш жараёнида тингловчилар ўз лавозим мажбуриятларини амалга ошириш функцияларини назарий, амалий ва ижодий тайёргарлик жиҳатидан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, илмий фан мажмуаси маълумотларини, шунингдек, касбий-профессионал фаолият усулларини амалга ошириш ҳақидаги билимларни намоён этувчи касбий-профессионал билимларни ўзлаштириш жараёни деб қаралган.

Малака ошириш – бу мутахассис-ходимнинг янада мураккаброқ меҳнат функцияларни базаришга тайёрлигининг шаклланишига йўналтирилган ўқув фаолияти бўлиб ҳисобланади. Айрим тадқиқотларда малака ошириш психологик нуқтаи-назардан кўриб чиқилган.

Тадқиқотимизда малаканинг такомиллашган фаолиятини феноменал қайта лойихалаштириш, унинг таҳлилини танқидий мезонларини амалга ошириш, яъни феноменал реконструкция натижаларини тасаввурдаги фаолият билан солиштириш, дастлабки фаолиятга ўзгаришлар киритиш ҳамда мувофиқ мезонларни аниқлаштириш йўллари топиш, қобилиятнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги фаолиятининг асосий кўрсаткичи сифатида

кўриб чиқдик.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимиз таълим тизимида ислохотларнинг амалга оширилиши, бу ислохотларнинг малака ошириш тизими муассасалари олдига кўяётган талаблари, тингловчиларнинг эҳтиёжлари, янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан кўникмаларнинг етишмаслиги, лекин таълим самарадорлигини оширишга бўлган интилишлари, малака ошириш жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил қилиш, шунга мувофиқ, тизимнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг моҳияти касбий фаолиятни яхлит тизим сифатида кўриш, унда тизимли фаолият кўрсата билиш, янги муаммо ва масалаларни ҳал эта билиш тажрибаларини шакллантириш учун замин яратишга хизмат қиладиган касбий фаолият элементларини таълим жараёнига киритишдан иборат.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида педагогларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришни янада самарали шакллантириш учун ўқитиш шароитларини, таълим мазмуни ва технологияларини аниқлаш мақсадида, ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш малакалари шаклланишининг бошланғич босқичи таҳлили ёритилган.

Малака ошириш тизимида педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги, педагогик жараёнларни ташкил этиши ва бошқариши, фан ютуқларидан хабардор бўлиши, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни ўзлаштириши, таълимни инсонпарварлаштириши ва демократлаштириши, ўқувчи шахсига йўналтира олиши, таълимни миллий йўналтирилганлигини таъминлашга асосланган инновацион фаолиятга тайёрлаш билан белгиланади.

Объектнинг шаклланганлик даражасини бир босқичдан бошқасига ўтиш жараёни анча мураккаб ва сифат жиҳатидан фарқ қилиб, маълум босқичларда қайд этилади. Босқич тушунчаси “тизимларнинг дискретли, нисбатан барқарор, сифатли, ўзига хос ҳолати” маъноларини англатади.

Тадаққотимизда босқичли таҳлил ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш объекти сифатида олинди. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш, педагогнинг субъектлиги унинг касбий-профессионал фаолияти ривожланиши контекстида, мазкур ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқди:

ўзини бошқариш;

касбий-профессионал-ижодий ўзини намоён этиш;

касбий-профессионал мустақил ривожланиш.

Ўзини ўзи бошқариш тушунчасини шахс юқори даражада эркин ва ижтимоий масъул деб ҳис этишини таъминланувчи хулқ-атвор усуллари сифатида тушундик. Ўзини бошқариш бу—ўз шахсий мақсадларини жамият

мақсадлари билан узвий боғлиқликда англаш, мазкур мақсадларга эришишда ижтимоий қимматга эга воситалар ва методлар танлови тасаввур этилади.

Касбий-профессионал-ижодкорлик педагогик вазифаларни ҳал этишдаги ўз фаолиятида, ўзини амалга ошириш жараёнида шахсинг ижодий моҳияти “ўзини намоён этиш” сифатида кўриб чиқилади, унда ижодий моҳият касбий-профессионал фаолият педагогик-маданият тизимида касбий-профессионал-меъёрий ва шахсий-тафаккурли таркибга оптимал уйғунлашиши нуқтаи-назаридан уларнинг мувофиқлиги диалектик натижаларини англатади. Ўзини ўзи амалга ошириш унинг барча жараёнлари мобайнида ўзини бошқариш характерига эга бўлади. У ўқитувчининг касбий-профессионал фаолиятда ўз олдига фаол мустақил мақсадлар қўйиш, уларга эришиш усулларини танлаш, ўзини назорат қилиш субъектив-муҳим лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш қобилиятларида ўз ифодасини топади.

Ўқитувчилар педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги таълим моделининг умумий характеристикаси ва батафсил таърифи баён этилган. Моделнинг концептуал асослари белгилаб берилган, таълим принциплари ажратиб кўрсатилган, ўқитувчининг педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш малакалари шаклланишига йўналтирилган ўқув жараёнининг қурилиш технологияси баён этилган.

Дастурга мувофиқ, тингловчилар ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги экспертизасида муаммоларга тақсимладилар, педагоглар ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги намуналарининг мезонли таҳлилини, технологиялар, тажриба-синов ишлари лойиҳалари, методик ишланмалар ва бошқаларни муаллифлик дастури кўринишида расмийлаштириб, амалга оширдилар.

Таълим мақсади сифатида ўқитувчининг педагогик фаолиятда ўзини ўзи бошқариш малакаларининг шаклланиши кўриб чиқилган. Таълим жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

педагогларнинг педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигида ўз-ўзларини намоён этишларининг таъминланиши; педагогик фаолиятда малакани лойиҳалаштиришнинг шаклланиши ва ривожланиши; эҳтиёжларнинг шаклланиши ва илмий-асосланган мезонлар таҳлили ва педагогик фаолиятини лойиҳалаштиришдан фойдаланиш малакаси; ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигининг базавий компоненти сифатида рефлексив малаканинг шаклланиши.

Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган дастур асосида, бир қатор мақсадлар белгилаб олинди, ўзини ўзи ривожлантириш модели таклиф қилинди.

Педагогик фаолият индивидуал моделларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши билан боғлиқ таълим мазмунининг устунлиги таълимнинг асосий шакллари танлови – ташкилий-фаолиятли ўйини (ТФЎ)ни белгилади, сабаби, таълим жараёнига ташкилий-педагогик “ечимлар” киритиш, педагогик вазифаларни ҳал қилиш қобилиятини шакллантиришга тавсиялар бериш ва

маълум бир вазиятларда муаммоларни мустақил кўриш, аввал принципиал ечимини топиш, кейин эса, реал фаолият шароитларига боғлиқ ҳолда ечимни аниқлаштириш имконини беради.

Ўқитувчининг вазифаларидан бири муаммолаштирилган билимларни тўғри ечиш ва тўғри фойдаланиш, методологик маслаҳат саволларни расмийлаштиришда педагогик маслаҳат беришдир. Ривожланишни таъминловчи ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги таълим жараёни асосий компонентларининг қуйидаги учта блокига асосланади:

педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги асослари шакллантиришга йўналтирилган (мотивацион – ўзини ўзи намоён этиш блоки);

педагогик фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги намунаси яратилган (операционал блоки);

касбий-профессионал фаолиятда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги тажриба концептуализацияси (рефлексив блоки).

Методологик маслаҳатнинг ўзига хос хусусиятларини тингловчилар фаолият, воситалар ва тафаккур орқали тушунчалар тасаввурини киритиш учун саволларга жавобларни маданиятлилик нуқтаи-назаридан, расмийлаштириш “ўзини ўзи намоён этиш” ҳамда “ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги”, уларнинг уринишларини ўз ва методологик тасаввурларни ва янада чуқурроқ рағбатлантиришда ўзига буюртма бериш кейинги ўйинлар фазаларида ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигига киритишдан иборат.

Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигини такомиллаштириш мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш асосида самарадорлик натижаси аниқланиб баҳоланди ва амалий модели такомиллаштирилди.

Мазкур модель жараёни доирасида ўқитувчилар атрофдагилар билан ўзаро мулоқотда фаоллик ва мустақилликни намоён этдилар, танлаган касбларига масъулият билан ёндашди, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларига эга бўлди, тажриба-синов жараёнида юқорироқ ижодий фаолликни намоён этди (1-расм).

Мақсадга эришиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди:

тўлиқ рефлексив намуналарни амалга оширишда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги ва ижодий педагогик фаолият лойиҳаларини яратиш;

тақдим этилган намуналар материалларида рефлексив тренинглар ўтказиш;

намуналарни яхшилаш бўйича мезонларни амалга оширишда ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги ва педагогик фаолият лойиҳаларини амалга ошириш.

Ишлаб чиқилган моделнинг самараси ўзини ўзи ривожлантириш компетентлиги таркибий қисмларни (мотивацион, операционал, рефлексив) динамикаси таҳлили натижасида юзага келадиган малака ошириш тизимида ўқув жараёнининг маҳсулдорлиги билан тасдиқланади.

Бундан ташқари, қуйидагилар модель самаралигининг педагогик имкониятларини белгилайди: ўқитувчилар педагогик фаолиятда коррекция



